

ишлашига четдан аралаштириш, ўрнатилган пломбалар бутунлигини бузиш, пломбаларни олиб ташлаш ҳолатлари аниқланган тақдирда, Етказиб берувчи рухсатсиз уланиш сифатида ушбу шартномада назарда тутилган санкцияларни қўллаш.

6.3. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

газдан оқилона ва самарали фойдаланиш;

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг 2014 йил 22 январдаги 13-сонли буйруғи ва ушбу шартнома билан тасдиқланган Газ хўжалигидан техник фойдаланиш қоидалари талабларига мувофиқ газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;
газ таъминоти ташкилотларининг диспетчерлик хизматларини газ тармоқларида ёки газ ишлатувчи қурилмаларида юзага келган газнинг сизиби чиқиши тўғрисида зудлик билан хабардор қилиш;
ўз газ тармоқлари ва асбоб-ускуналарининг дахлсизлигини таъминлаш ва рухсатсиз уланиш эҳтимолини аниқлаш мақсадида уларни тизимли равишда қўздан кечириш;
газ таъминоти лойиҳасига ҳамда «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ бўлмаган сертификатланмаган газдан фойдаланиш асбоб-ускуналарини газ таъминоти ташкилотларининг газ таъминоти тармоқларига уламаслик;
Етказиб берувчининг вакиллари учун (тегишли гувоҳномаларни тақдим қилганда) газни ҳисобга олиш приборлари ва/ёки газдан фойдаланиш ускуналарини текширишга сутканинг ҳар қандай вақтида эркин киришини таъминлаш;
газдан фойдаланиш асбоб-ускуналари нуксонларини (ихтисослаштирилган бригада-лар ёки бундай ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар ёрдамида) бартараф этиш;
газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига четдан аралаштиришга, уларни қасддан бузишга йўл қўймаслик ва ўрнатилган пломбаларнинг бутунлигини таъминлаш;
газни ҳисобга олиш приборларининг ишлашида носозликлар аниқланганда Етказиб берувчини зудлик билан ёзма равишда хабардор қилиш;
газ таъминоти ташкилотларига олинган газ учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўловлар ўтказиш.

6.4. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

газ таъминоти ташкилотларидан газ учун тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳолати тўғрисида маълумотларни (шахсан ёки ўзининг вакили орқали), шунингдек етказиб берилган газ учун тўловлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотномаларни бепул олиш;
буюртманомга юборилган вақтдан бошлаб 18 соат мобайнида газ етказиб бермаслик ҳамда сифати ва ҳажмлари зарур даражада бўлмаган газ етказиб берганлик тўғрисидаги, белгиланган муддатларда аниқланган камчиликларни бартараф этганлик тўғрисидаги далолатномани Етказиб берувчидан олиш;
Етказиб берувчидан:
етказиб берилган газнинг ҳажми ва бошқа параметрларини аниқлашдан норози бўлганда Етказиб берувчининг газни ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини аниқлаш учун комиссия тузишни;
газ етказиб бериш шартномаси муддатини узайтиришни ва бекор қилишни;
шартномавий мажбуриятларга риоя қилинишини;
газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни;
моддий зарарларни тўлиқ ҳажмда қоплашни ва ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан етказилган маънавий зарарни компенсация қилишни талаб қилади.
Истеъмолчи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ҳамда газ етказиб бериш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қоида-га кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7.2. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

VIII. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Томонлар:

а) табиий офатлар;

б) газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб

чиқариш жойларида қутилмаган авария вазиятлари юзага келганда, жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки қабул қилиш ҳуқуқига эга.